



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Рахмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербургда Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНING ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Ҳакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O‘ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192

28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислом Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Рахматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



JOURNAL OF

LOOK TO THE PAST

ISSN: 2181-9599


www.tadqiqot.uz

ЎТМИШГА НАЗАР | ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

Тўлқин Олимжонович Ахмедов,
 ФА Тарих институти бўлим бошлиғи
 Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
 tolkinahmedov2015@gmail.com

ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭХТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?

For citation: Tulkin O.Akhmedov, FIRST RUSSIAN NATIVE SCHOOL IN TURKESTAN: ADMINISTRATIVE NEED OR CULTURAL APPROACH?. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.48-55

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485247>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Туркистон ўлкаси тарихидаги маҳаллий болалар учун биринчи рус-тузем мактаби 1870 йил 14 январда Самарқандда очилганлиги, расмий ёзишмаларда қайд этилмаган бўлса-да, рус маъмурияти учун таржимонлар тайёрлаш эҳтиёжи мазкур мактабнинг ташкил этилишини келтириб чиқарган асосий сабаблардан бири бўлганлиги, мактабнинг ташкил этилиши А.К. Абрамовнинг шахсий ташаббуси бўлиб, Самарқандда мазкур мактабнинг ташкил этилиши Зарафшон музофотида халқ таълими масалаларида ҳам УмумТуркистон қоидалари четлаб ўтилганлиги, мактаб ўлканинг бошқа ерларида ташкил этилган рус-тузем мактаблари учун намуна бўлиб хизмат қилганлиги асосланган. Шунингдек, Самарқандда ташкил этилган биринчи рус-тузем мактаби билан боғлиқ иш юритиш ҳужжатларининг ўрганилиши, музофотда ўрнатилган рус маъмуриятининг асосий вазифаси бу ерни фақат ҳарбий жиҳатдан бўйсундириш эмас, балки маҳаллий аҳолини ахлоқий ва маданий жиҳатдан Россия ҳокимиятига яқинлаштириш ҳам бўлганлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: Туркистон ўлкаси, Россия, Самарқанд, маҳаллий болалар, рус-тузем, мактаб, рус маъмурияти, таржимон, Зарафшон музофоти, халқ таълими, ўлка, маҳаллий аҳоли.

Тулқин Олимжонович Ахмедов,
 Заведующий отделом Института истории ФА
 Доктор философии (PhD) по истории
 tolkinahmedov2015@gmail.com

ПЕРВАЯ РУССКО-ТУЗЕМНАЯ ШКОЛА В ТУРКЕСТАНЕ: АДМИНИСТРАТИВНАЯ ПОТРЕБНОСТЬ ИЛИ НЕОБХОДИМОСТЬ КУЛЬТУРНОГО ПОДХОДА?

АННОТАЦИЯ

В данной статье обосновано первая открывшейся в истории Туркестана школа русской системы для местных детей, которая была открыта в Самарканде 14 января 1870 г. Хотя в официальной переписке об этом не упоминается, что необходимость подготовки

переводчиков для русской администрации была одной из основных причины создания этой школы. Эта школа была создана по личной инициативе Абрамова, и его создание в Самарканде свидетельствует о том, что даже в вопросах народного просвещения в Зарафшанской губернии обходились общетуркестанские правила. Он основан на том, что школа послужила образцом для школ русской системы, созданных в других частях страны. Также изучение административных документов, относящихся к основанной в Самарканде первой школе русского строя, показывает, что главной задачей русской администрации, учрежденной в губернии, было не только военное подчинение этой страны, но и морально-культурное сближение местного населения с российской властью.

Ключевые слова: Туркестанская область, Россия, Самарканд, местные дети, русский строй, школа, русское управление, переводчик, Зарафшанская губерния, народное образование, страна, местное население. Ключевые слова: Туркестанская область, Россия, Самарканд, местные дети, русский строй, школа, русское управление, переводчик, Зарафшанская губерния, народное образование, страна, местное население.

Tulkin O.Akhmedov,

Head of the Department of the Institute of History of the FA

Doctor of Philosophy (PhD) in History

tolkinahmedov2015@gmail.com

FIRST RUSSIAN NATIVE SCHOOL IN TURKESTAN: ADMINISTRATIVE NEED OR CULTURAL APPROACH?

ABSTRACT

This article substantiates the first school of the Russian system for local children that opened in the history of Turkestan, which was opened in Samarkand on January 14, 1870. Although this is not mentioned in official correspondence, the need to train translators for the Russian administration was one of the main reasons for the creation of this school. This school was created on the personal initiative of Abramov, and its creation in Samarkand indicates that even in matters of public education in the Zarafshan province, general Turkestan rules were dispensed with. It is based on the fact that the school served as a model for schools of the Russian system established in other parts of the country. Also, the study of administrative documents related to the first school of the Russian system founded in Samarkand shows that the main task of the Russian administration established in the province was not only the military subordination of this country, but also the moral and cultural rapprochement of the local population with the Russian authorities.

Index Terms: Turkestan region, Russia, Samarkand, local children, Russian system, school, Russian administration, translator, Zarafshan province, public education, country, local population. Index Terms: Turkestan region, Russia, Samarkand, local children, Russian system, school, Russian government, translator, Zarafshan province, public education, country, local population.

1. Долзарблиги:

XIX асрнинг машхур шарқшунос олими Армений Вамбери “Самарқанд истеҳкомига рус байроғи ўрнатилган вақтдан бошлаб Осиёнинг бу қўҳна ва олис ерлари янги дунё ва янги ғоялар йўлига қадам қўйди”, деб таъкидлаган эди[5, С.197]. Осиё сарҳадларида ўзини “Европа” деб ҳисоблаган ва барча ишларни тоза қоғоздан бошлашга қарор қилган рус маъмурияти ўлкада рус мактаблари тизимини яратиш ишларига Туркистонни маданий жиҳатдан ўзлаштиришнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида қаради. Мазкур сиёсатнинг асосий натижаларидан бири сифатида ўлка маҳаллий аҳолиси учун “рус-тузем” деб номланган мактаблар тизими яратилишини кўрсатиш мумкин.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Марказий Осиёнинг дашт минтақаларида маҳаллий аҳоли учун бошланғич рус мактаблари XIX аср 60-йилларида очилган ва 1868-1896 йилларда Дашт ўлкасининг биргина Урал вилоятида 24 та рус-қозоқ мактаблари фаолият кўрсатмоқда эди[15, С.161]. Бирок

Туркистон ўлкасининг бевосита ўзида маҳаллий аҳоли учун даслабки рус мактаби айнан қачон ва қаерда очилганлиги, айнан қайси типдаги мактаблар “рус-тузем” мактаблари номи билан кенг тарқалганлиги масаласининг ёритилиши ўлкада рус мустамлакачилиги тарихи бўйича амалга оширилган тадқиқотларнинг аксариятида фрагментар маълумотлар билан чекланиб қолган.

XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари Туркистон тарихига бағишланган махсус адабиётлар, илмий тадқиқотлар ва монографиялар, шунингдек, ўқув қўлланмалари ва мактаб дарсликларида маҳаллий аҳоли учун биринчи “рус-тузем” мактаби 1884 йилда Тошкентда очилганлиги қайд этилган[7, 8, 13, 15, 17, 18, 19, 20]. Замоनावий Россия тарихшунослигида ҳам Туркистондаги биринчи рус-тузем мактаби 1884 йил 19 декабрда Тошкентда савдогар Саидғани Азимбоевнинг уйида ташкил этилди, деб кўрсатилмоқда[15, С.165].

Фақат 1956 йилда Ўзбекистон тарихи бўйича нашр этилган махсус адабиётда, ўлка Россия таркибига қўшиб олинган, икки йил ўтиб Самарқандда губернатор Абрамов томонидан болаларга рус тилини ўргатиш мақсадида “ерлилар учун рус мактаби” очилди, деб маълумот берилади. Агар Зарафшон водийсининг Россия мулклари таркибига қўшиб олиниши санасидан ҳисоблайдиган бўлсак (1868 йил – Т.А.), мазкур мактабнинг очилиши 1870 йилга тўғри келади. Адабиётда, шунингдек, умумтаълим фанларидан дарс берувчи рус ўқитувчисидан ташқари, ўқувчиларга бошланғич ислом таълимидан дарс берадиган мусулмон ўқитувчи ҳам мактаб штатига киритилган эди, деб кўрсатилади[8, С.162].

Мустамлака давр Самарқанд тарихи бўйича тадқиқотларни амалга оширган Т.С. Саидулов томонидан Самарқандда маҳаллий аҳоли учун ташкил этилган биринчи рус мактаби тўғрисида келтирилган маълумотларга кўра, Туркистон тарихида биринчи марта маҳаллий ўтrock аҳоли учун “рус-тузем” деб номланган мактаб 1870 йил 14 январда Самарқанд шаҳрида очилган[11, С.157]. Шунингдек, маҳаллий ёзув ва тилларни яхши билган кап.Гребенкиннинг мазкур рус-тузем мактабида рус маъмуриятининг алоҳида вакили этиб тайинланиши, мактабнинг асосий мақсад ва вазифалари, мактабнинг харажатлари учун ажратилган пуллар, ундаги ўқувчилар сони ва уларнинг миллий таркиби тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.

Хусусан, мактаб очилган йили унинг харажатлари учун 900 рубл ажратилган ва ўқувчилар сони 20-30 нафарни ташкил этган. 1876 йилда Самарқанддаги рус-тузем мактаби рус маъмурияти хизматчилари томонидан биринчи марта текширилган бўлиб, уларнинг ҳисоботи бўйича, 1876 йилда мактабда ўқувчилар сони 111 нафарни ташкил этган. Ўқувчиларнинг миллий таркибига келадиган бўлсак, бу ерда ўзбеклар, тожиклар, яхудийлар ва ҳиндлар таълим олишган[11, С.158].

Юқорида келтирилган маълумотларнинг 1969 ва 1971 йилларда Самарқанд тарихи бўйича нашр этилган махсус адабиётларда айнан такрорланганлигини кўришимиз мумкин[10, С.341]. Туркистон ўлкасида маҳаллий аҳоли учун биринчи рус-тузем мактаби 1870 йил 14 январда Самарқандда генерал А.К. Абрамовнинг буйруғи билан ташкил этилганлиги мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотларда ҳам акс этган[14, Б.48; 21, Б.18].

Инглиз тарихчиси А. Моррисоннинг ёзишича, бу мактаб Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамасида таржимон бўлиб хизмат қилган собиқ ҳарбий – Султоновнинг шахсий ташаббуси билан музофотдаги рус маъмурияти учун таржимонлар тайёрлаш мақсадида ташкил этилган. Моррисон мазкур мактабнинг айнан қачон очилганлиги тўғрисида маълумот бермаган бўлсада, 1871 йилда мактабда 10 нафар мусулмон, 7 нафар яхудий ва 3 нафар ҳинднинг таълим олганлигини қайд этади[15, Р.66].

Мавзуга доир адабиётлар ва ишларнинг тарихшунослик таҳлили, уларда Самарқандда маҳаллий аҳолининг болалари учун очилган рус мактаби тўғрисида келтирилган маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги, айрим ҳолатларда бир-бирини рад этиши бизни Самарқандда ерли болалар учун рус мактабининг ташкил этилиши ва унинг фаолияти билан боғлиқ расмий ҳужжатларга мурожаат этишга ундади.

3.Тадқиқот натижалари:

Ўз МАнинг 1- ва 5-жамғармаларида сақланаётган “Самарқанд шахрида маҳаллий аҳоли болаларига рус тилини ўқитиш учун мактаб ташкил этиш тўғрисида”, “Музофот шахсий таркиби бўйича бўйруқлар”, “Самарқандда куриллаётган рус-тузем мактаби ва касалхона учун шахсий хайриялар тўғрисида” ва “Зарафшон музофоти ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича хизмат қилаётган барча шахслар тўғрида маълумот бериш тўғрисида” каби ишларнинг тарихий-манбавий таҳлили, уларда келтирилган иш юритиш ҳужжатларининг комплекс ўрганилиши Самарқанддаги биринчи рус-тузем мактаби тўғрисида аниқ ва батафсил маълумотларни олиш имкониятини беради.

1-жамғарма (Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси) нинг 11-рўйхат, 3-ишида Зарафшон музофоти бошлиғи генерал-майор А.К. Абрамовнинг 1869 йил ... августда (сана тўлиқ кўрсатилмаган – Т.А.) Туркистон генерал-губернатори номига ёзган 704-сонли ахбороти келтирилган. Унда музофот бошлиғи аҳоли ва ҳатто эътиборли шахслар томонидан ўз болаларини рус тилига ўқитиш истаги билдириляётгани, маҳаллий аҳолининг рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиши Россиянинг Ўрта Осиёда таъсири кучайишига хизмат қилиши ва маъмурият томонидан уларнинг бу ташаббуси қўллаб-қувватланиши, уни тезроқ амалга ошириш ва кейинги ривож учун воситалар топиш лозимлиги тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирган эди. Юқорида келтирилган важлардан келиб чиқиб, Абрамов Самарқандда маҳаллий болаларга рус тилини амалий, қисман назарий жиҳатдан ўргатадиган мактаб очишни таклиф этади[1, В.1].

Ҳужжатда Самарқандда маҳаллий болалар учун ташкил этиладиган рус мактабининг харажатлари сметаси келтирилган бўлиб, улар бино ижараси, жорий таъмир, стол ва стуллар, ёзув анжомлари ва китоблар, ўқитувчининг маоши, мактабни ёритиш ва иситиш ва иқтидорли ўқувчиларни мукофотлаш учун йиллик 950 рублни ташкил этган[1, В.2].

Ахборотда Самарқандда маҳаллий болалар учун рус мактаби очиш Султоновнинг ташаббуси эканлиги тўғрисида маълумот келтирилмаган. Бизнинг фикримизча, бу музофот бошлиғининг шахсий ташаббуси бўлиб, у ахборотда ушбу ташаббусни “... бу мактаб орқали ёш авлод ва уларнинг ота-оналари бизга яқинлаша бошлайди, мактаб улар орасида европача фикрлашнинг ёйилишига асос бўлади. ... дастлаб у унчалик катта бўлмаслиги мумкин, лекин бу бошланғич”, дея асослашга ҳаракат қилган эди[1, В.1].

Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман 1869 йил 19 августда Зарафшон музофоти бошлиғининг ахборотига “Мен Самарқандга келгунга қадар қолдирилсин”, деб муносабат билдирган эди.

1869 йил 25 октябрда Туркистон генерал-губернатори маҳкамасидан Зарафшон музофоти бошлиғи номига юборилган 186-сонли такдимномада ўлка бошлиғи томонидан Самарқандда маҳаллий болалар учун рус мактабини очишга рухсат берилганлигини кўришимиз мумкин. Такдимномада, шунингдек, мактаб учун харажатларни музофот бошлиғи томонидан таклиф этилган тартибда, Зарафшон музофотининг умумий дарамодлари ҳисобидан амалга ошириш бўйича кўрсатма берилган ва мактабнинг очилиши тўғрисида хабар бериш ҳамда ҳар ой мактабда ўқиётган ўқувчилар тўғрисида маълумот етказиб туриш сўралган эди[1, В.3].

Зарафшон музофоти бошлиғининг 1870 йил 25 февралда Туркистон генерал-губернатори номига ёзган 511-сонли билдиргисидан маълум бўлишича, Самарқанд шахрида ерли болалар учун рус мактаби 1870 йил 14 январда очилган[1, В.4]. Ушбу маълумотни Ўз МАнинг 5-жамғармасидан олинган бошқа иш юритиш ҳужжатларида келтирилган маълумотлар билан тўлдириш мумкин. Хусусан, 5-жамғарманинг “Музофот шахсий таркиби бўйича бўйруқлар” деб номланган 18-ишида Зарафшон музофоти бошлиғининг ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича 1870 йил 28 январда чиқарган 12-сонли бўйруғи келтирилган бўлиб, унда Самарқандда 1870 йил 14 январдан бошлаб ерлиларнинг болалари учун рус мактаби очилиши эълон қилинган. Бўйруқда Самарқанд бўлими бошлиғига 1870 йил 14 январдан бошлаб мактаб учун барча таъминотларни ўлка бошлиғи томонидан тасдиқланган ўлчамларда талаб қилиш ва халққа бу мактабнинг очилиши тўғрисида алоҳида эълон орқали маълум қилиш бўйича кўрсатма берилган[2, В.18]. Мактаб очилган вақтда ундаги ўқувчилар сони 9 нафарни ташкил

этган. Музофот бошлиғининг билдиргисида улардан 2 нафари рус тилида эркин ўқий олиши, 6 нафари сўз бирикмаларини ва 1 нафари алифбони ўрганаётганлиги маълум қилинган[1, В.4].

Қўлимизда мавжуд бўлган ёзма манбалар, Саидкуловнинг ишида таъкидланганидек, маҳаллий ёзув ва тилларни яхши билган капитан Гребенкиннинг Самарқанддаги рус-тузем мактабида рус маъмуриятининг алоҳида вакили этиб тайинланиши тўғрисидаги маълумотларни Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари ёрдамида таҳлил имкониятини беради.

Зарафшон музофоти бошлиғининг 1870 йил 24 мартда Ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича чиқарган 28-сонли бўйруғи билан Самарқанддаги рус-тузем мактабида ишларнинг муваффақиятини таъминлаш, мактаб устидан бевосита назорат ўрнатиш мақсадида музофот бошлиғи ҳузурида алоҳида топшириқлар бўйича катта хизматчи кап.Гребенкин мактаб васийси этиб тайинланган эди. Мазкур ҳужжат ҳам асл нусха бўлиб, унинг ички таҳлили музофот бошлиғи томонидан капитан Гребенкинга қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берилганлиги кўрсатади: 1) мактабга маҳаллий ўқувчиларни жалб этиш; 2) таълим беришнинг янада қулай ва рационал тизимини ишлаб чиқиш; 3) мактабни дарсликлар ва умуман олганда ўқув ишлари учун зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаш; 4) мактаб харажатлари тўғрисидаги ҳисоботларни ўз вақтида музофот бошлиғи маҳкамасига топшириб бориш; 5) ўқувчиларни рус қишлоқ хўжалиги усуллари билан таништириш учун мактабнинг моддий воситаларини кучайтириш; 6) мактабга таалуқли бўлган барча нарсалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини батафсил ёзиш ва музофот бошлиғига тақдим этиш[2, В.30].

Зарафшон музофоти бошлиғининг 1870 йил 23 июнда ўлка бошлиғи номига ёзган 1996-сонли билдиргисидан маълум бўлишича, 1870 йил 15 июнь ҳолатига кўра, Самарқанддаги рус мактабида 10 нафар мусулмон ва 10 нафар яхудий болалар таълим олган[1, В.6]. Мактаб дастлаб шаҳар марказидан узоқда жойлашган ва тор бинода ўз фаолиятини бошлаган бўлса, ўқувчилар сони ортиб бориши натижасида янги бино қуриш зарурати юзага келади. 1870 йил июлида музофот бошлиғи шаҳар марказида, яхудийлар маҳалласи яқинида жойлашган ва 1868 йилда шаҳарни тарк этишга мажбур бўлган аҳолининг уйларини бўзиб ташлаш ва уларнинг ўрнида рус мактаби учун янги бино қуришга кўрсатма беради. Қурилиш ишлари 800 рублга баҳоланган ва Самарқандлик уста Мўминжон Муллабоевга топширилган эди[1, В.7]. Ишдан ўрин олган расмий ёзишмалар билан танишиш натижасида қурилиш харажатлари шаҳар ва музофот даромадларидан ташқари, хусусий шахслар томонидан амалга оширилган хайриялар ҳисобидан ҳам қоплаганлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, музофотда ипак қурти сотиш билан шуғулланган “Стукен ва Спись савдо уйи”нинг ишончлиси жаноб Адам Самарқандда ерлилар учун мактаб ва касалхона қурилишига хайрия қилган 300 рублдан 200 рубли музофот бошлиғининг бўйруғи билан мактаб қурилиши учун йўналтирилган[1, В.9]. Шунингдек, Самарқанд қозиси Камолитдин Мулла Мухаммедов қурилиш ишларига 60 рубл хайрия қилган эди[3, В.4]. Уларнинг иккаласига ҳам ўлка бошлиғи номидан миннатдорчилик билдирилган ва “Туркестанские ведомости” газетасининг яқин сонларида бў тўғрисида хабар берилиши маълум қилинган.

Иш юритиш ҳужжатлари инглиз тарихчиси Моррисон томонидан келтирилган маълумотларни ҳам таҳлил қилиш имкониятини беради. Хусусан, 5-жамғармадан ўрин олган “Зарафшон округи ҳарбий-халқ бошқаруви бўйича хизмат қилаётган барча шахслар тўғрида маълумот бериш тўғрисида” номли 111-ишни ўрганиш натижасида, музофот ҳарбий-халқ бошқарувида ҳақитатан ҳам Султонов фамилиясидаги пропорщик хизмат қилганлигига гувоҳ бўламиз. Султонов тўғрисидаги маълумот 1873 йилда тузилган бўлиб, унда унинг 1868 йилдан бошлаб музофот маъмуриятида хизмат қилиб келганлиги кўрсатилган[4, В.3]. Моррисонга кўра, пропорщик Султонов татар миллатига мансуб бўлган[15, Р.66]. Бироқ, Самарқанд шаҳрида маҳаллий болалар учун рус мактабининг очилишига доир иш юритиш ҳужжатларида Султоновнинг номи ёки ерлилар учун рус мактабини очиш унинг ташаббуси эканлиги хусусида сўз бормайди. Шунингдек, музофотдаги рус маъмурияти учун таржимонлар тайёрлаш зарурияти мактабни очишни келтириб чиқарган сабаб сифатида кўрсатилмаган.

1877-1879 йилларда Туркистон ўлкаси халқ мактаблари ноziри лавозимида хизмат қилган Н.П. Остроумов Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфман Абрамовнинг маҳаллий аҳоли болалари учун рус мактаби очиш тажрибасига ижобий муносабатда бўлмаганлигини таъкидлайди. Унга кўра, фон Кауфман маҳаллий болаларни алоҳида эмас, балки руслар билан бирга ўқитиш тарафдори бўлган[6, С.21]. Шундай бўлсада, Зарафшон музофоти бошлиғи маҳкамаси иш юритиш ҳужжатлари бу мактаб ўлка бошлиғининг 1869 йил 25 октябрдаги 186-сонли розилик хати асосида ташкил этилганлигини тасдиқлайди[2, В.13]. Остроумов фон Кауфманнинг тилидан куйидаги сўзларни келтиради: "... генерал Абрамов Самарқандда ерлиларни алоҳида ўқитишни ташкил этди. Унинг фикрича, ерлиларни аввал бегона мактабга кўниктириш лозим, кейин эса уларни русларга қўшиш мумкин бўлади... Бироқ буни амалга ошириш мушкул: бой берилган нарсани кейин тўғрилаб бўлмайди. Биз Тошкентда ерлилар учун алоҳида мактаб очишни истадик, бироқ буни амалга ошира олмадик"[6, С.21-22].

Остроумовга кўра, фон Кауфман умрининг охирига қадар маҳаллий болаларни рус болалари билан биргаликда ўқитиш лозим, деган фикрда собит қолган. Унинг вафотидан сўнг мазкур қараш ўз кучини йўқотган ва ўлканинг турли жойларида ерлиларнинг болалари учун алоҳида рус мактаблари пайдо бўла бошлаган[6, С.22]. Шу жиҳатдан, Самарқандда очилган биринчи рус-тузем мактаби 1884 йил 19 декабрда Тошкентда Саидғани Азимбоевнинг уйида ташкил этилган рус-тузем мактаби учун намуна бўлиб хизмат қилган, деб ҳисоблаш мумкин.

А. Моррисон Самарқандда маҳаллий аҳоли учун очилган биринчи рус мактаби беш йиллик фаолиятдан сўнг ёпилганлигини қайд этади[15, Р.66]. Н.П. Остроумов томонидан юқорида келтирилган маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Самарқанд шаҳрида маҳаллий болалар учун очилган рус мактаби 1877 йилдан кейин ҳам фаолият кўрсатган. Шунингдек, 1880 йилларнинг биринчи ярмига оид ёзма манбаларда ҳам Самарқанд рус-тузем мактабида аҳамиятли сондаги ўқувчиларнинг таълим олаётгани қайд этилган.

4. Хулосалар:

Юқорида келтирилган иш юритиш ҳужжатлари, чоп этилган ёзма манбалар ва махсус адабиётларнинг тарихий-манбавий таҳлили, мавзуга доир иш юритиш ҳужжатларининг комплекс ўрганилиши натижасида куйидаги хулосалар ва таклифларни келтириши мумкин:

- Туркистон ўлкаси тарихидаги маҳаллий болалар учун биринчи рус-тузем мактаби 1870 йил 14 январда Самарқандда очилган. Мазкур факт бир неча ёзма манбаларнинг комплекс ўрганилиши асосида ўз тасдиғига эга.

- Расмий ёзишмаларда қайд этилмаган бўлсада, рус маъмурияти учун таржимонлар тайёрлаш эҳтиёжи мазкур мактабнинг ташкил этилишини келтириб чиқарган асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Маҳаллий аҳолининг рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиши, уларни мазкур мактаб орқали рус бошқаруви ва маданиятига яқинлантириш каби вазлар Зарафшон музофоти бошлиғи А.К. Абрамовнинг шахсий мулоҳазаларидан бошқа нарсаси эмас.

- Мактабнинг ташкил этилиши А.К. Абрамовнинг шахсий ташаббуси бўлиб, бу ўлка бошлиғи томонидан ҳам тан олинган. Ўлка бошлиғининг маҳаллий болаларни руслардан алоҳида ўқитишга қарши эканлигига қарамасдан, Самарқандда мазкур мактабнинг ташкил этилиши Зарафшон музофотида халқ таълими масалаларида ҳам умумтуркистон қоидалари четлаб ўтилганлигини кўрсатади.

- Самарқандда ташкил этилган рус-тузем мактаби, айрим адабиётларда таъкидланганидек, қисқа даврлик фаолиятдан сўнг ёпилиб кетмаган. 1880 йилларнинг биринчи ярмида ҳам мазкур мактабда аҳамиятли сондаги ўқувчилар таълим олган ва Самарқанд мактаби ўлканинг бошқа ерларида ташкил этилган рус-тузем мактаблари учун намуна бўлиб хизмат қилган.

- Самарқандда ташкил этилган биринчи рус-тузем мактаби билан боғлиқ иш юритиш ҳужжатларининг ўрганилиши, музофотда ўрнатилган рус маъмуриятининг асосий вазифаси бу ерни фақат ҳарбий жиҳатдан бўйсундириш эмас, балки маҳаллий аҳолини ахлоқий ва маданий жиҳатдан Россия ҳокимиятига яқинлаштириш ҳам бўлганлигини кўрсатади.

- Ўзбекистоннинг мустамлака давр тарихи бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларда, нашр этиладиган махсус адабиётлар, монографиялар, ўқув қўлланмалари ва дарсликларда Туркистон ўлкаси тарихидаги биринчи рус-тузем мактаби Самарқандда очилганлиги тўғрисидаги фактни қатъийлаштириш лозим.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўз МА 1-жамғарма, 11-рўйхат, 3-иш (OzRNA Fund 1, List 11, case 3)
2. Ўз МА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 18-иш (OzRNA Fund 5, List 1, case 18)
3. Ўз МА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 38-иш (OzRNA Fund 5, list 1, case 38)
4. Ўз МА 5-жамғарма, 1-рўйхат, 111-иш (OzRNA Fund 5, List 1, case 111)
5. Вамбери Г. История Бухары или Трансоксании. С древнейших времен до настоящего. Том первый. СПб., 1873. - 566 с. (Vamberi G. History of Bukhara or Transoxania. From ancient times to the present. Volume one. SPb., 1873. - 566 p.)
6. Остроумов Н.П. Константин Петрович фон Кауфман – устроитель Туркестанского края. – Ташкент: Типо-лит. Ф. и Г.бр.Каминских, 1899. - 286 с. (Ostroumov N.P. Konstantin Petrovich von Kaufman - the organizer of the Turkestan region. - Tashkent: Tipo-lit. F. and G. br. Kaminsky, 1899. - 286 p.)
7. История народов Узбекистана. Т.2. Под.ред. акад.С.В. Бахрушина и др. Изд-во АН УзССР, Ташкент,1947. - 514 с. (History of the peoples of Uzbekistan. T.2. Ed. Academician S.V. Bakhrushin and others. Publishing House of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR, Tashkent, 1947. - 514 p.)
8. История Узбекской ССР. / Под ред. М.Г. Вахабова, В.Я. Непомнина, Т.Н. Кары-Ниязова. – Ташкент: Изд-во Акад. наук УзССР, 1956. – Т. 1. – Кн.2. - 504 с. (History of the Uzbek SSR. / Ed. M.G. Vakhabova, V.Ya. Nepomnina, T.N. Kary-Niyazov. - Tashkent: Acad. Sciences of the Uzbek SSR, 1956. - Т. 1. - Book 2. - 504 p.)
9. История Узбекской ССР. / Гл. ред. Р.Х. Аминова. – Ташкент: Фан, 1968. – Т. 2. - 662 с. (History of the Uzbek SSR. / Ch. ed. R.H. Aminova. - Tashkent: Fan, 1968. - Т. 2. - 662 p.)
10. История Самарканда. В двух томах. Т.1. С древнейших времен до великой октябрьской Социалистической революции. Отв.ред. И.М. Муминов. Изд-во “Фан”. Ташкент,1969. - 484 с.(History of Samarkand. In two volumes. T.1. From ancient times to the great October Socialist Revolution. Responsible ed. THEM. Muminov. Publishing house "Fan". Tashkent, 1969. - 484 p.)
11. Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половине XIX – начале XX веков. – Самарканд, 1970. - 254 с. (Saidkulov T.S. Samarkand in the second half of the 19th - early 20th centuries. - Samarkand, 1970. - 254 p.)
12. Самарканд тарихи. 2 томлик. Масъул муҳаррир И.М. Мўминов. Тахрир ҳайъати В.А.Абдуллаев ва бошқ. 1-том. Қадим даврлардан то улуғ октябрь социалистик революциясигача. – Тошкент: Фан, 1971. – 484 б.(History of Samarkand. 2 roofs. Responsible editor I.M. Mominov. Editorial board V.A. Abdullaev and others. Roof 1. From ancient times to the Great October Socialist Revolution. - Tashkent: Science, 1971. - 484 p.)
13. Кастельская, З.Д. Из истории туркестанского края / З.Д. Кастельская. – М.: Наука, 1980. - 123 с.(Kastelskaya, Z.D. From the history of the Turkestan region / Z.D. Kastelskaya. - М.: Nauka, 1980. - 123 p.)
14. Гаффаров Ш.С. Мустамлака даврида Туркистонда таълим тизими. – Самарқанд, 2001. 48-бет (Ghafarov Sh.S. Educational system in Turkestan during the colonial period. – Samarkand, 2001. Page 48)
15. Morrison A.S. Russian rule in Samarkand, 1868-1910: A Comparison with British India (Oxford and New York: Oxford University Press, 2008. – 364 p.
16. Центральная Азия в составе Российской империи / [С.Н. Абашин, Д.Ю. Арапов, Н.Е. Бекмаханова]. – М.: Новое литературное обозрение, 2008. - 451 с. (Central Asia within the

- Russian Empire / [S.N. Abashin, D.Yu. Arapov, N.E. Bekmakhanov]. - M.: New Literary Review, 2008. - 451 p.)
17. Шамсутдинов Р. ва бошқ. Ватан тарихи (XVI-XXаср бошлари); К.2.: – Тошкент: «Шарқ», 2010. - 368 б. (Shamsutdinov R. and others. History of the Motherland (early 16th-20th centuries); K.2.: - Tashkent: "Sharq", 2010. - 368 p.)
 18. Тиллабоев С., Замонов А. История Узбекистана (Вторая половина XIX – начало XX вв.): Учебник для 9 класса общеобразовательных школ.. –Ташкент: ИПАК “Sharq”, 2010. - 160 с. (Tillaboyev S., Zamonov A. History of Uzbekistan (second half of the 19th - early 20th centuries): A textbook for the 9th grade of secondary schools.)
 19. Ўзбекистон тарихи. Туркистон чоризм мустамлакачилиги даврида (1-китоб). Тошкент, 2011. - 364 б. (History of Uzbekistan. Turkestan in the era of Tsarist colonialism (Book 1). Tashkent, 2011. - 364 p.)
 20. Tillaboyev S., Zamonov A. O'zbekiston tarixi (XIX asrning ikkinchi yarmi - XX asr boshlari): 9-sinf uchun darslik / Mas'ul muharrir: D.A. Alimova. – Toshkent: «Sharq», 2014. - 160 б. (Tillaboyev S., Zamonov A. History of Uzbekistan (second half of the 19th century - beginning of the 20th century): textbook for the 9th grade / Responsible editor: D.A. Alimova. - Tashkent: "Sharq", 2014. - 160 p.)
 21. Ирискулов О. Ж. XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд шаҳрида ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори дисс. автореферати. Самарқанд, 2019. 18-бет (Iriskulov O. J. Socio-economic and cultural processes in the city of Samarkand in the second half of the 19th century - the beginning of the 20th century. Doctor of Philosophy in History Diss. abstract. Samarkand. 2019. Page 18)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000